

231097

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган




ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

8 октябрь, чоршанба, 1997 йил  
Сотувда эркин нархда. № 207 (1724)

### Ислом КАРИМОВ:

## ИСЛОХОТЛАР ҲАЁТНИ, ҲАЁТ ЭСА ТАФАККУРНИ ЎЗГАРТИРАДИ

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРИШ -- БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишига қура кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси ташкил қилинди. 7 октябрь куни мазкур комиссиянинг дастлабки йиғилиши бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда тегишли вазириликлар, давлат кўмиталари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ҳокимлари, уларнинг кишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кишлоқ хўжалиги бизнинг ҳаётимизда халқ қилувчи аҳамиятга эга, деди давлатимиз раҳбари. Одамлар эҳтиёжини таъминлашда, барча соҳалардаги ислохотларни изчил давом эттиришда кишлоқ хўжалигининг аҳамияти бекиёсди. Бу борада бир қанча ютуқларни қўлга киритганимиз, пахта ва ғалла мустақиллигига эгамиз. Бирок шунга қарамаستдан кишлоқдаги ислохотларнинг бориши бугунги кунда бизни қониқтирма олмайди. Бу масалани ҳал этмай туриб эса, умумий ислохотларнинг келажаги ҳақида, тараққиётимиз ҳақида гапириб бўлмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда комиссия олдида қўйилган вазифаларни, асосий максатларни қуйидагича белгилаш мумкин. **Биринчидан**, кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид қабул қилинган фармон, қонун, ҳукумат қарорлари, уларни бажариш юзасидан амалга оширилган тадбирлар бизни қониқтирмади, йўқми? **Иккинчидан**, агар улар бизни қониқтирмасе, қандай чоралар кўришимиз керак?

Бу саволга бирдан жавоб бериш, кишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқ айтиш осон эмас, албатта. Бугунги мажлисининг вазифаси эса юқорида тилга олинган масалаларни ҳал этишдаги асосий йўналишларни белгилаш, бу борадаги гавраларни аниқлаш, кишлоқ хўжалигини ислох

қилиш бўйича хорижий давлатларда, узиимизда тулланган тажрибаларни ўрганиб, деҳқон ва мутаяхасисларнинг фикрини билиб, мўйян хулосалар чиқаришдан иборатдир.

Шу маънода Ўзбекистон кишлоқ хўжалигининг ҳозирги ҳолатига назар ташласак, қуйидаги манзарага дуч келишимиз. Хўжалик юритишининг асосий мезони -- ҳосилдорликдир. Пахтачиликда у 1995 йили 26,4, 1996 йили эса 22,6 центнерни ташкил этди. Албатта кишлоқ хўжалигининг ривожига кўп омиллар, об-ҳавонинг маълум даражада таъсир қилади. Буни эътиборга олади. Лекин уттан йил Андижон вилоятида ўртача 28,7, Бухорода 28,6, Сурхондарёда 31 центнердан ҳосил олинган ҳолда, бу кўрсаткич Жиззах вилоятида 12,6, Сирдарёда 14,2, Самарқандда 22,1 центнердан ошмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Ахир, тектирдан 12 центнер атрофида ҳосил олиш билан деҳқончилик қилиб бўладими?

Ғаллачиликда ҳам ана шундай манзарани кузатиш мумкин. Мисалан, Андижонда вилот бўйича 65,5 центнердан ғалла етдирилди. Шу вилотнинг Марҳумат тумани Қорабоев номидаги жамоа хўжалигида 87, Шаҳрихон туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалигида 76,4 центнердан ҳосил олинган. Қашқадарё вилояти Гузор туманидаги «Янгиент» жамоа хўжалигида эса 11,7, Самарқанд вилояти Жузалең тумани «Қурилли» жамоа хўжалигида 8,7, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида бу рақам 18 центнерни ташкил этганини қайд қилиш мумкин. Бизнинг барча ҳаракатларимиз, қабул қилган ҳужжатларимиз, деҳқонларга қўйилган таламиз, буларнинг барча билан, техника таъминоти, қайта ишлаш тармоқларининг бутун фаолияти ана шу бош масалани ҳал этишга қаратилиши лозим. Кишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини ҳал этмай туриб, уни янги, замонавий босқинга кўтариш кийин. Кишлоқ хўжалигининг бундай даражага кўтармасдан туриб эса, бошқа соҳалардаги ислохотларни ривожлантириб бўлмайди.

Таъкидлаш керакики, кишлоқ хўжалигини ислох қилиш бўйича кейинги йилларда амалга оши-

рилган ишлар беиз кетгани йўқ, деди Президент. Энг муҳими одамларнинг мулкка, меҳнатга муносабати, дунёқараши, тафаккури ўзгара бошлади. Қўплаб изланувчан, ташаббускор, тадбиркор туман, деҳқон-фермер ва жамоа хўжаликлар раҳбарлари ҳисоб-китоб ишларини тўғри ташкил этишни, даромад фаолиятининг асосий мезони эканини аниқлашди. Одамларни уйғота, гурурини қўзғата олдилар. Мисалдан, Самарқанд вилоятидаги Пахтачи туманида кейинги икки йилда ахвол мутлақо ўзгарди. Ҳозирги кунда мавжуд 14 хўжалиқнинг бирортаси давлатдан қарз эмас. Аксинча, пахта заводлари улардан 650 миллион сўм қарздор.

Ҳолбуки, яқингинада бу ерда ахвол мутлақо ўзгача эди.

Деҳқончилик борасидаги муаммолардан яна бири республикада уруғчилик масаласи тула ҳал этилмаганидир. Уруғ танлаш илми асосга қўйилиши керак. Олимлар, мавжуд институтлар хар бир туман, жамоа хўжаликлар бўйича қаерга қандай навлар уруғ экилишини аниқлаб беришлари лозим.

Кишлоқ хўжалигидаги муаммоларни ҳал этиш, ислохотларни чуқурлаштириш учун тегишли қонунларга, ҳужжатларга қандай ўзгаришлар киритиш, солиқ тизимини такомиллаштириш масалаларида ҳам комиссия ўз тавсияларини бериши даркор. Бу борадаги энг муҳим масала -- ер масаласидир. Уни баъзи қўшни давлатлардагидек, ҳаммага бўлиб бериб бўлмайди. Чунки деҳқончилик, айнакча, пахтачилик жамоа бўлиб ишланиш талаб этди. Бундан ташқари ерни ҳақиқий деҳқонгагина бериш лозим. Ҳақиқий деҳқонни аниқлаш ҳам мураккаб масаладир. Ана шу ҳолатни инобатга олиб, деҳқончиликда оилавий пудрат шахсни қўллаш, ерга эгалик қилишда, даромадни тақсимлашда эса пайчилик усулидан фойдаланиш максатга мувофиқдир.

Комиссия аъзолари етук мутахассиси ва тажрибали деҳқонлардан, иқтидорли раҳбарлардан иборат. Улар ўз тажрибаларидан келиб чиқиб фикр-мулоҳаза билдиришлари, бу билан ислохотларни чуқурлаштиришга ҳизмат қилишлари лозим. Бир вақтлар хатто ситирни қайси томондан соғишни билмайдиган одамларга ҳам фермалар сотиб юборилди. У бечора эса ерни қардан олишни, сутни қимга сотишни билмайти. Бу ҳолда чорва туғи қамайиб, махсуддорлик пасайиб қетмайдими? Бунга қим жавоб беради? Чорвачилик хусусийлашган экан, аввало, бу борадаги ишларни яна бир бор танқидий баҳолаш, ҳақиқий ферма эгаларига озуқа етиштириш учун керакли ерни ҳам ажратиб бериш шарт. Чунки улар бу борада хўжалик раҳбарларига тобе бўлмасин. Бу ишларни ҳаммасини қонуний йўлга қўйиш бугунги долзарб вазифадир.

Хуллас, кишлоқда ислохотларни янги босқинга кўтармас эканми, бошқа соҳаларда ҳам бу масалани ҳал этиш қўйин кечади. Чунки кишлоқ хўжалигидаги ўзгариш -- бутун ҳаётимизни ўзгартиради. Одамлар тафаккурини эса фақат ҳаётинга ўзгартира олади. Ўзбекистон аҳолисининг 65 фоизи кишлоқларда яшашини инобатга олсак, бу масалани маънавий томони, жамиятимиз тараққиётида урғи янада яққол кўринади. Шундай экан, биз келажакни ўйлаб, ҳаётда узиимиздан яқини ўз қолдиришни мақсад қилиб яшашимиз ва ишлашимиз даркор. Демак таъкидлади Президент. Қайси раҳбар ўз ишидан, ҳаётидан қониқиб, интилиш, изланишдан тўхтае -- у ерда тараққиёт бўлмайди.

Комиссия, аввало, олти йил мобайнида қабул қилинган кишлоқ хўжалиги оид фармон, қонун ва қарорларни танқидий назардан кўриб чиқиб, улардаги бугунги кун талабига мос келадиган жиҳатларни қолдириши, ишмигига тўсиқ бўладиган, ҳалақит берадиган ҳужжатларни эса аниқлаши лозим. Иккинчидан, бугунги маррадан туриб эртанги тараққиёт йўлига назар ташлашимиз, янги қонун ва ҳужжатларни қабул қилишда қандай йўл тутишимизни белгилаб олишимиз зарур. Бу борада кишлоқ хўжалигидаги қўйи поғоналарга кўпроқ эркинлик бериш лозим. Учундан, қонунашни қабул қилишда хусусий мулкнинг устуворлиги доимо диққат марказида турмоғи даркор. Муҳими ерни бўлиб ташлашга йўл қўйиб бўлмайди. Токи, ерни бўлиб одамлар орасини бузишга олиб келмасин. Бу ҳалқимиз табиятига, маънавиятига мутлақо зиддир. Лекин, боя таъкидлаганимдек, пай орқали мулкка эгалик

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОХ ҚИЛИШ, БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мавжуд таълим-тарбия тизimini тубдан ислох қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизimini барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

Республикада таълим-тарбия тизimini тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур аниқлаб олинишига ҳар томонлама шариот яратиш - давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгилансин.

2. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш Республика комиссияси иловага мувофиқ тузилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсати тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш;

республика вазириликлари, идоралари ва муассасалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизimini ислох этиш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш; кадрлар тайёрлаш тизimini ҳуқуқий-меърий асосини Миллий дастур талабларига мос равишда қайта кўриб чиқишни ташкил қилиш;

узлуқсиз таълимнинг барча босқичлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга татбиқ этишни таъминлаш;

узлуқсиз таълим тизimini Миллий моделини амалга оширишни таъминлаш;

кадрларга бўлган талаб ва тақлифни ўрганиш асосида таълим тизimini истиқболли йўналишларини белгилаш;

уч йиллик академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари тизimini Миллий дастур талаблари асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш;

халқаро донорлар, хорижий инвесторлар, жамғарма ва жамоат ташкилотларининг маблағларини жалб этиш ва улардан унумли фойдаланишга шариот яратиш;

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мониторингини олиб бориш;

Миллий дастурнинг бажарилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам маълумот бериб боришни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари ва улар учун маъсул ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳлар фаолиятига юқори малакали мутахассислар ва олимлар ҳамда хорижий экспертларни кенг жалб этиш назарда тутилсин.

4. Таълим муассасалари, биринчи навбатда олий таълим муассасалари профессор-педагогик ходимлари сафидан етук ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидagi ижобий тажрибаларни ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини таъминлаш мақсадида «Устоз» республика жамғармаси ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонда белгиланган вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
1997 йил 6 октябрь

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида илова

## Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш Республика комиссияси ТАРКИБИ

- Султонов Ў. Т. -- Ўзбекистон Республикаси Бош вазир-раис
- Рисқиев Т. Т. -- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, раис ўринбосари
- Азизқужев А. А. -- Бош вазир ўринбосари, раис ўринбосари
- Зокиров М. О. -- Бош вазир ўринбосари қотибитининг мудир, қотиб
- Комиссия аъзолари:**
- Алимов Т. А. -- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
  - Ҳамидов Б. С. -- Бош вазир ўринбосари
  - Саидова Г. К. -- Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи
  - Назаров Й. А. -- Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқа бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари
  - Иммонов Т. К. -- Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони бош консултант
  - Маматов А. Э. -- Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони етакчи консултант
  - Курбанов Ш. Э. -- Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони етакчи консултант
  - Жўраев Т. Ж. -- Ўзбекистон Фанлар Академияси президенти
  - Жўраев Х. Р. -- Маданият ишлари вазир
  - Йўлдошев Ж. Ф. -- Халқ таълими вазири
  - Салмонов О. У. -- Олий ва ўрта махсус таълим вазири
  - Сайфилинов Ж. В. -- Молия вазири
  - Обидов О. -- Меҳнат вазири
  - Ҳабидуллаев П. Қ. -- Фан ва техника давлат қўмитаси раиси
  - Алимов Р. С. -- Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси, «Умид» жамғармаси раиси
  - Беганов В. С. -- Давлат солиқ қўмитаси раиси
  - Мақсулов А. М. -- «Узланстандарт» бош директор
  - Исмоилов У. С. -- Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари
  - Абдураимов Х. М. -- «Камолот» жамғармаси раиси
  - Аминов Н. -- «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари
  - Зиёев М. Қ. -- Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари.

### ПАХТА-97



«КЕЙС» ДАЛАГА ЧИҚАДИ

Новий вилоты даладарди Американин «Кейс» фирмасида ишлаб чиқарилад. «Кейс-2022» маркади комбайнлари пахта тера бошлады. Вилотса келтирилген иккита шундай машина Хатирин туманидаги «Зарафшон» хамда Новий туманидаги «Нартай» жамоа хўжаликлариди пахтазорлариди унумли ишладыр. Уларини хар бири билан кунига 18-20 тоннагача «ок олти» илтиштириб олинаты.

Ёрқул УМАР,  
УЗА мухбири.

### ДИҚҚАТ: ОБУНА — 98

## «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ...

«Нима ютаман?» дейсизми? Шо-шидманг. Ютуқнинг баҳоси, қадр, қимматини ҳозирдан айтиб қўйсак...

Яхшиси, ҳеч қандай ўчов ва баҳода тенгаштириб бўлмайдиган бойлик -- ОЗОДЛИКниг олти биллик сура-т ва сўйратларини аглаб етасиз. Не тонки. «Халқ сўзи» ҳам естиқол билан тешидог-да!

Шунингдек, қатна дунё сизнинг қўлингизга уз эшикларини оча бошлайди. Бу эшиклардан эса дунёвий аҳамиятга эга бўлган сиёсий-эстетимий воқеа-ҳодиса-лар ҳақидаги ахборотлар, репортажлар, мақолалар «Халқ сўзи» саҳифаларига кучади. Жаҳонда содиқ бўлаётган турли-туман қувончли ва ташвишли воқеаларга билдирилган ҳолисона муносабатларни ҳам «Халқ сўзи»да ўқисиз.

Дарвоқе, Ўзбекистонда ҳечатган оламшумул ҳаёт

ўзгаришлари хар бир сонда ўз аксини топади. Ватанимизнинг, халқимизнинг обрўсини, нуфузини ер юзига еттирган, «ЎЗБЕКИСТОН» деган қутлуғ сўзиниг дунё бўлаб мардонавор жарангашига улуғ қўшаётган қаҳрамонлару асл фидойилар «Халқ сўзи» меҳмони бўлади. Яна...

Келинг, азиз мушарриф, сирли дастурхонимизда ҳали бир дунё сиз билан ва билмасан «неъмат»лар яширин. Қўлагини кейинги сонларимизда айтчимиз.

Ҳозирча сизга мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида «Халқ сўзи»га обуна бошланганларини эс-латиб қўймоқчимиз.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ:**  
ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН - 229  
ТАШКИЛОТЛАР УЧУН - 230

МУНОСАБАТ

Олий Мажлисининг IX сессиясида Ватанимиз истиқболини белгилаб берадиган кўпгина ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги катта воқеа бўлди.

Тараққиёт йўлига кирган ҳар қандай давлат юксак миллий тафаккур, касб-маҳоратга эга бўлган кадрларга кучли эътибор сезади. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни худди ана шу эътибор самараси дейиш мумкин. Бу дастурни ҳаётга таъбиқ этиш учун бир қатор муаммоларни ҳал этиш таъзим этилади. Чунончи, таълим-тарбия тизимини халқроқ андозалар ва мезонлар асосида ислоҳ қилиш, ўрта умумтаълимнинг шакли, мазмуни, таркиби ва воситаларини аниқлаш, дарсликларнинг замон талаблари даражасида тайёрлаш, ижтимоий психология ва социология соҳасида кенг қўламли педагогик тадқиқотлар ўтказиш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўлган куннинг муҳим вазифаларидир.

Миллий таълим соҳасини ислоҳ қилишни, энг аввало, узлуксиз таълим-тарбия тизимини илмий асосда ташкил этишдан бошлаш лозим. Утган 70 йилдан ортиқ ҳаёт тарзимиз миллий педагогика асосларига таянмаган таълим жараёни заиф ва камсамара бўлишини яққол кўрсатди. Чунки собиқ совет тузуми даврида мактаблардаги тарбия тизимининг асослари марказда тайёрланиб, педагогика илмий тадқиқот институтларида тайёр дастур ва дарсликлар юборилар эди. Бундан катта сиёсий мақсад - маҳаллий миллат вакиллари миллий ўзлигини таниши, миллий тафаккур-

ислоҳ қилишга хизмат қилаётган педагог олимлар сафини мустақамлашда уларнинг моддий таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишимиз ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, илм-фан аҳли Шарқда ҳар доим қадрланган.

Президентимиз Олий Мажлис сессиясида дарсликлар яратиш билан боғлиқ муаммоларга тўхталар экан, «Дарсликларда миллатнинг

дастури яратиш жараёни ҳам аллақачон бошланган. Лекин бугунги кунда мазкур жараёнинг моҳиятини тўла англаб етмаган мутахассислар эскидан мерос бўлиб қолган бир хил қўлидаги дарсликларнинг янги вариантларини яратиш, бу соҳани монополия қилишда давом этмоқдалар. Тажриба шунини кўрсатадики, ўқув предмети ёки таълим соҳаси бўйича концепция, ўқув дастурларини илмий жиҳатдан асослаб, сертификат асосида яратиш лозим. Шу жиҳатдан

жадал ўргатишга хизмат қиладиган ўқув дастурлари, ўқув методик адабиётлар мажмуини яратиш ва амалиётга жорий этиш лозим. Хорижий тилларни она тили заминидан ўргатишга асосланган илмий методик тизимни шакллантириш, ўқувчилар учун инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча, ва бошқа ўқув лугатларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, бугунги кунда мавжуд педагогик энциклопедия рус тилида бўлиб, фикрлар, изох ва тушунчалар эскириб, ўзининг аҳамиятини йўқотди. Энциклопедия ўзбек миллий педагогикасининг тараққиёт йўлини, ундаги тушунарча ва ифодаларини ўзидан мустақамлаштирган ўзбек педагогик қомусини яратиш вақти келди. Айни пайтда ўқувчиларга мўлжалланган соҳа қомуслари, педагогик ахборотномалар ва бюллетенлар чоп этишни йўлга қўйиш зарур.

Яна шунини қўшимча қилиш кераки, педагогика фанининг тараққиёти давлат томонидан қафолатли ҳимоя қилингандагина бу соҳада кўтилган натижага эришиш мумкин.

Мамалятимизнинг педагог олимлари йўлбошчилигининг «Фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган обод ва овоз Ватан қолдирилади», деган даъватига жавобан узлуксиз таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишдек шарафли ишга бел боғлаганлар. Зеро, Ватан ва халқ истиқбол учун қўйилган бор бир қадам қутлуг ва муқаддасдир.

Роҳатой САФАРОВА, Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МАВРИДИ

ҳажмини илмий асосда белгилашга имконият берилмайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда кўпчилик педагог олимлар кўпгина таълим-тарбия жараёнини бир-бирдан фарқлаб олмайдилар. Миллий педагогикада методика соҳасида асосан қўламли таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш бўлиб, ўқувчиларнинг фикрлар ва фикр баён қилиш салоҳиятини ривожлантириш асослари назарий ҳамда амалий тадқиқот этилган.

Бугунги кунда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш учун биринчи навбатда миллий ҳамда дунёвий педагогика асосларини пухта эгаллаган, янги тафаккур юрота оладиган олимлар сафини кенгайтириш лозим. Шунинг учун ҳам ҳозирда ҳукуматимиз педагогика соҳасига бевосита ёрдам кўрсатиб, юқори маънавий педагогика кадрлар этиштиришни рағбатлантиряпти. Бу қувонarli ҳол.

Таълим-тарбия тизимини

дарсликлар яратиш вазифаси Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз Олий Мажлис IX сессиясида таълим соҳасидаги вазифалардан бири хорижий тилларни она тили асосида ўргатишни назарий ҳамда амалий асосларини яратиш ва уни таълим амалиётга жорий этиш механизминини ишлаб чиқишдир.

Бугун хорижий тилларни она тили заминидан ўргатиш учун ўқувчилар эгаллаган тил бойлиги етишмай, юртобимиз таъкидлагандек «Улар сиқилиб қолмоқдалар». Бу соҳада муваффақиятга эришиш учун асосий восита бўлган она тилимизнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш керак. Авваламбор ўзбек мактабларида ўқувчиларнинг эркин ва мустақил фикрлар ва ўзгалар томонидан баён қилинган фикрнинг аниқлаш учун она тилимизни

руҳи, тафакқури, ақлий-интеллектуал салоҳиятнинг шаклланиш йўли» акс этиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, ўқув дастури ва дарсликлар таълим-тарбия жараёнини шакллантирувчи асосий воситадир. Ўқув дастурида жамият ҳаётининг ривожланиш йўли акс этмоғи лозим. Ривожланган мамлакатларда ўқув дастурлари мактаб амалиётини 3 йил қўлланган таълим назарий ҳамда амалий тадқиқот этилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб барча ўқув предметлари бўйича ўқитиш концепциялари, таълимнинг давлат стандартлари яратилди. Концептуал асос ва стандарт кўрсаткичлар асосида ўқув

ОЛИС ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИ



ҚУРБОНОЙ ХОЛАНИНИНГ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Чорраҳада шитоб билан яқинлашиб келаётган жувонни кўриб қадамимни секинлатдим. У менга бир қарадию йўлни кесиб ўтиб кетди. Анча пайт унинг ортидан қараб қолдим. Ана шунда ёдимга Қурбоний холянинг қўни-қўшилларга, қиз-жувонларга ўқтирувчи ўғити тушди: «Қизларим, келинжолларим, ҳеч қачон эркак кишининг йўлини кесиб ўтманглр».

Йўли кесилган эр кишининг ўша кунини ишда унум бўлмас экан... Ишхонада ҳам, уйга келиб ҳам, оқшом пайти ҳам негадир холяни кўп эсладим. У киши узун бўйли, ҳаракатчан, бугдойранг, тилидан бол томовчи аёл эди. Холясининг ёғ тушича ва ифодаларини ўзидан мустақамлаштирган ўзбек педагогик қомусини яратиш вақти келди. Айни пайтда ўқувчиларга мўлжалланган соҳа қомуслари, педагогик ахборотномалар ва бюллетенлар чоп этишни йўлга қўйиш зарур.

Яна шунини қўшимча қилиш кераки, педагогика фанининг тараққиёти давлат томонидан қафолатли ҳимоя қилингандагина бу соҳада кўтилган натижага эришиш мумкин.

Мамалятимизнинг педагог олимлари йўлбошчилигининг «Фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган обод ва овоз Ватан қолдирилади», деган даъватига жавобан узлуксиз таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишдек шарафли ишга бел боғлаганлар. Зеро, Ватан ва халқ истиқбол учун қўйилган бор бир қадам қутлуг ва муқаддасдир.

Роҳатой САФАРОВА, Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

МИКРОБИОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институтининг республика микробиологларининг биринчи курултойи очилди.

Курултой ватаншчилари уч кун давомида микробиология фанининг дозарб вазифалари, бу соҳани янада ривожлантириш йўллари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ноҳус экологик вазият минтақаларини тадқиқ этишда микробиологиянинг ўрни каби масалааларни муҳокама қилдилар. Микробиология ва биотехнологиянинг нафақат илм-фан, балки замонавий технология тобора катта ўрин тутаётган истиқсолийда муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти ҳақида сўз юрталди.

(ЎЗА).

ТЎРТ МУЧАНГИЗ ОМОН БЎЛСИН

Бемор варақасига ўз кузатувларини ёзиб ўтирган шифокор Раъно Назарова бўсағасида турган устозини кўрдию, шошилиб ўрнидан турди ва унга пешвоз чиқди:

«Келинг, домла, -- леги у сиз билан бераккан. -- Мамалятимиз шошиб турибман, синглим. Мана бу амакинги билан бир суҳбатлашиб кўринг, -- леги домла ёнида зўр-базўр жиламайиб турган кишини кўрсатиб.

«Мазам йўқ депаптилар, бизнинг клиникага йўллашибди... Тезда қайтаман...»

Устоз қайтиб келганда Қарши вилоятининг Косон туманидан келган Жўраев беморлар палатасига ётқазилган, Раъноҳон уни кўриб, ҳамшираларга анализ олишини топширган эди. Исоқ Курбонвич Мусабоев аввал Раъноҳонни эшитди, кейин беморни синчиклаб кўра бошлади. Унинг саргайиб кетган кўзлари, юз-чехрасига узок тикилиб қолди... Шу пайт ҳамшира тайёр бўлган анализ қозғоларини олиб келди. Домла уни кўздан кечирди ва орада Раъноҳонга қараб «балли, балли» деб қўйди. Одатда, устоз шогирдларидан мамнун бўлган кезларда шундай дейди. Сабоби, беморнинг касаллиги хуеусида устоз-шогирд хулосаларида яқдиллик, фикр-мулоҳазаларда уйғунлик бор эди. Беморни даволашда энг муҳими, касалликни тўғри аниқлаш ва зудлик билан даволашга киришишдир. Аслида, бунинг алоҳида тилга оладиган жойи йўқ. Нанки, бу ҳар бир шифокордан талаб қилингандан биринчи вазифа ва оддий иш. Лекин ўз касбига совуққонлик ва бепарволик билан қараш оқибатида беморларнинг сарсон-саргардон қилиб, касаллик ташҳисини

беморлар билан суҳбатлашиб, муолажа жараёнини ўз кўзлари билан кўриб, бу тажрибани ўзларида ҳам синаш ниятларини изҳор этдилар. Раъноҳоннинг Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтининг Исоқ Курбонвич Мусабоев бошлиқ юқумли касалликлар кафедрасига келганига ҳам, мана, ўттиз икки йил бўлибди. Бу борда устоз раҳбарлигида у номзодлик диссертациясини ёқлади. Кафедрани да ассистент, сўнгра доцент бўлиб

бағрига босиб, клиникадан уйига кетаётган қанчалоб она-болалар ортидан мамнун қараб қолмадилар... Олима амалий табобатда илмий қараш асосларини шу ерда ўрганди. Беморларнинг меҳр-муҳаббати, ширин сўзларини биринчи бор шу ерда эшитди. Беморлар «сиздака шифокорлар кам, сиз бошқача инсонсиз, раҳмат» дейишганида уларни деб кечасию кундузи юрганлари, барча чарчоқлари бир зумда чиқиб кетарди.

«Раъноҳон опа, мен, мен яна келдим, -- деган шикаста овоздан шифокорнинг ҳаёли бўлибди. Қараса, шифохонада бир кеча ётиб, даволаниб кетган бемори деворга суяниб аранг турибди... Уни ичкарига олишди. «Ҳаммаси аён, -- ўйлади Раъноҳон, -- улар иморат қуришга ётганди...» оғир юк кўтарган, яна парҳезни бузган...»


Беморнинг қариндош-уруғлари, ҳамкасб уртқалари шифохонага бўзунинг моқсийиди қатнаш бошладилар.

«Кизик табиятли одамларимиз -- деб ўйларди Раъноҳон. -- Шу гамхўрликни нега оғиргуниминича қилмаймиз?! Нега дардинг олдини олиш ҳақида қайғурмаймиз. Ахир, ҳар бир одам ўз миқозини ўзи, дўхтирдан ҳам яхшироқ билади-ку! Раъноҳонга қолса, беморнинг биринчи ёрдамчиси, биринчи гамхўри ва шифокори -- ўзи. Одамлар буни тушуниб етганлариди эди касаллик ҳам, беморнинг ўзи ҳам яримига қисқариб кетарди. Бунини шифокорнинг биринчи юқумли касалликлар шифохонаси сариқ касалликлар бўлим бошлиғи, доцент Раъно Назарова узининг узок йиллик тажрибасидан келиб чиқиб айтаяпти. Узини ўзи асрай билмаган одами энг зукко, энг билимдон шифокор ҳам асраб қолмайди. Наҳотки, шу олдний ҳақиқатини аниқлаш учун ондин шундай оғир синовларни бошидан ўтказиши керак?!»

Милли САФАРОВ.



БУХОРОЙИ ШАРИФ ҲАҚИҚАТИ



Аслида икки кўтбни туташтириб тургувчи кўприк Бухаройи Шариф десалар, ҳайрон бўлмаймиз. Бу ҳақиқатнинг сир-сиюоитини 2500 йиллик Бухаронинг ўлмаас ўтмишидан изласак, тўғрироқ бўлади. Бухаронинг қадимий минораларида ва ақд бовар қилмайдиган тезликда Қороғулборда бунёд этилган «Аср сиюоити»да халқимизнинг буюк қўдрати ҳамда салоҳияти муҳассамдир.

Бу икки сурат ҳаммамизни аввало ўтмишни чуқурроқ аниқлаш, қолаверса, бугунининг нури лавҳаларини қадрлашга чорласа, ажабмас...



Фарҳод ҚУРБОНБОВЕВ сурат-лавҳалари.

## ЭБИРОФ

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг олим, шоир, файласуф, мунажжим ва саркардаларининг боқий хиссалари ҳақида аввал ҳам ўқигандим. Шу боис мазкур замин ва унинг кишилари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мен учун бир қалар осон ҳамда табиий эди.

Исломободдан Тошкентга 27 йонда жўнадик. Энг қизиғи, мен у ерда зериктиш эмас, балки ўз Ватанини соғиниш туйғусини ҳис қилдим. Эҳтимол, шайх Баҳоуддин Нақибанд билан маънавий ришлага эга бўлган боқалоларим руҳи менга руҳий Ватан туйғусини инъом этгандир.

Бизни Тошкентда диний ишлар вазирининг шахсан ўзи кўриб олди. Меҳмонхона томон кетар экансиз, кент кўчалар ва кўча бўйлаб қатор ям-шил даракларини кўриб лол қолмаслигингиз амри маҳол. Табиат ва уни аслидагидек сарқиб қолган бўлган муҳаббат нафақат шаҳар гўзаллигига гўзаллик қўлади, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бўлган интилишни ҳам аниқлатади.

